

## ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ҚУРОЛ-АСЛАҲА ВА ҲАРБИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН Фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари

**Рахмонов Камол Бозорович**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси цикл бошлиғи

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий қуролли можароларда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ишларининг долзарблиги кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, техник хизмат кўрсатиш, техник соз, фойдаланиш, сақлаш, сафга қўйиш, техник ҳолат, техник кўрик, жанговар шай.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье показана важность своевременного технического обслуживания вооружения и военной техники в современных вооруженных конфликтах.

**Ключевые слова:** Вооружение и военная техника, техническое обслуживание, техническое строительство, применение, хранение, размещение, техническое состояние, технический осмотр, боевая техника.

Ҳозирги инсоният яшаш тарзининг барча жабҳалари кун сайин жадал равишда ўсиб бораётган бир даврда, инсонларнинг ҳам олдинги даврларга нисбатан яхши яшашга бўлган хоҳиш ва истаклари ҳам кундан кун ўсиб бормокда. Инсонларнинг бу талаб ва истакларини бажариш, ҳар бир давлатнинг ўз фуқароларини яшаш тарзи ва мамлакатлари ривожланишига ҳаракат қилаётганликлари натижасида давлатлар орасидаги зиддиятлар ва ҳарбий низолар ҳам кун сайин ортиб бормокда.

Буларнинг барчаси уер юзидаги барча давлатларни қудратли, замонавий қурол-аслаҳага, юқори манёврчанлик қобилиятига эга кўшинлар ва бўлинмаларга эга бўлишликни ҳамда сафларида юқори даражадаги ҳарбий билимларига эга, замонавий барча турдаги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни ишлатишни пухта ўзлаштирган ҳарбий хизматчиларини бўлишини талаб этмоқда.

Бўлинмаларнинг юқори жанговар қобилияти сафдаги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни бутлиги ҳамда уларни замонавий қуролли можароларда ўз-вақтида ва сифатли қўлланишига тайёр эканлигига бевосита боғлиқ бўлади. Замонавий қуролли можароларда ўқ-дориларнинг катта сарфланиши, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан узлуксиз равишда фойдаланишни, замонавий қуролли можароларда ҳар қандай қийин шароитларда ҳам қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни жуда кўп миқдордаги иштироки, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни сақлаш шароитлари уларда мавжуд бўлган техник хизмат кўрсатиш масофаларини камайиб кетишига, аксинча техник хизмат кўрсатиш тадбирларини кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Ҳозирда баъзи бир ривожланган давлатлар орасида олиб борилаётган қуролли можаролар шуни кўрсатмоқдаки қуролли можаролар даврида ҳар қандай техникалар жуда ёмон аҳволда сақланмоқда ва шундай жуда оғир шароитларда эксплуатация қилинмоқда ҳамда уларга ўз вақтида дейярли техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилмаяпти. Булар эса икки тўқнашаётган томонни юқори аниқликда нишонга олувчи қуроллари орқали йўқ қилинаётган қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга қўшимча равишда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар белгиланган муддатларидан олдин ишдан чиқишига олиб келмоқда.

Шундай экан замонавий можароларда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан тўғри ва унумли фойдаланиш долзарблигича қолади. Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эксплуатация қилиш деганда уларнинг ҳаётий цикли тушунилади. Ҳар қандай шароитда ҳам қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эксплуатация қилишни асосий тадбирлари қуйидагилар бўлиб қолади:

- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни сафга қўйиш;
- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан фойдаланишни ташкил этиш;
- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга техник хизмат кўрсатиш;
- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни сақлаш;
- қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни транспортировка қилиш.

Сафга қўйиш бу қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўшинларга ишлаб чиқариш заводларидан ёки капитал таъмирдан сўнг белгиланган талаб ва меъёрлар асосида қабул қилиниши ҳамда ушбу қурол-аслаҳа ва ҳарбий

техникаларни бўлинмаларга, экипажларга ёки ҳайдовчиларга белгиланган тартибда бириктирилишини ўз ичига олади.

Замонавий қуролли можароларда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни душманнинг авиация, артиллерия ва бошқа юқори аниқликда нишонга олувчи қуроллари зарбалари ҳамда узлуксиз фойдаланишлар натижасида белгиланган меъёрлардан олдин сафдан чиқиши қўшинлар сафини яна янги қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан тўлдиришни талаб қилади. Ҳар қандай ривожланган давлатлар учун ҳам замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларининг тўхтовсиз сафдан чиқиши, қўшинлар сафини қайта-қайта тўлдириш уларнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Буларни яққол мисолини ҳозирда бир қанча давлатларда олиб борилаётган қуролли можаролар ва махсус операцияларда кўриб турибмиз.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан тўғри фойдаланиш, уларни ҳар доим ҳам техник ҳолатини ўз вақтида текшириб туриш ва текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, уларда ўз вақтида зарур бўлган техник хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан мўлжалланиши бўйича фойдаланиш таъминлаш улардан фойдаланишни ташкил этиш йўриқномаларида белгилаб қўйилган.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни доимо техник соҳада ушлаш, уларнинг вазифаси бўйича фойдаланиш жараёнида ишга яроқлилигини таъминлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича белгиланган ишлар ҳажмини доимий равишда ва тўлиқ ҳажмда бажариб боришни талаб этади. Буни амалга ошириш эса кескинлик ва тезкорлик, вазиятнинг бирдан тубдан ўзгариш характерига эга бўлган замонавий қуролли можароларда катта машаққат талаб этади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар техник соҳада (фойдаланишга шайлиги) деб, уни берилган топшириқни белгиланган вақт давомида бажара олиш қобилияти тушунилади. Лекин улардан мунтазам равишда, қийин шароитларда узлуксиз фойдаланишлар натижасида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни меъёрий ишлашини таъминлаш қийин бўлиб қолади, бу эса ўз навбатида қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни агрегат ва узелларини муддатидан олдин ейилишга, бузилишга ва ҳаттоки аварияга олиб келади.

Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан фойдаланиш деб эксплуатация қилиш ҳужжатларида белгиланган меъёр ва қоидаларга риоя қилиб, барча агрегатларни, тизим ва механизмларни меъёрий ишлашини, шунингдек хавфсизлик талабларини бажарилишини таъминлаб, уларни вазифаси бўйича тўғридан-тўғри фойдаланиш тушунилади.

1-жадвал

**Автомобил техникаларга техник хизмат кўрсатиш меъёрлари**

Техник хизмат кўрсатиш тури	Ўлчаш бирлиги	Автомобиль техникалари						
		УАЗ-3151	ГАЗ-66	ЗИЛ-131	УРАЛ-4320	КамАЗ-4310	КрАЗ-250	Гусен. машин
НК, КТХК ва 1-ТХК даврийлиги	км	Паркдан чиқишдан олдин ва тўхташларда, камида 600-700 йўл босгандан сўнг, км						
		1800/3000	4000	4000	3000	2800-3200	1300	800-1000
2-ТХК	км	7000-12000	15000	16000	12000	10000-12000	10000-12000	2400-3000
КТХК давомийлиги	Одам/соат	1.0	1.9	1.1	1.3	1.3	1.1	3.5
1-ТХК	Одам/соат	4.9	8.2	3.2	8.25	11.00	11.00	18.00
2-ТХК	Одам/соат	25.8	25.0	20.3	30.0	30.0	30.0	30.0

Юқорида санаб ўтилган техник хизмат кўрсатиш ишларини барчаси қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалардан фойдаланиш даврини ошириш ёки бошқарув меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган муҳлатларгача эксплуатация қилишни амалга ошириш мақсадида амалга оширилади. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ушбу тадбирларни тўлиқ ва сифатли бажариш учун маълум бир вақт ҳамда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар юриш захираларини бирор-бир мансабдор шахслар томонидан ҳисобга олиб юрилиши керак бўлади.

Лекин биз биламизки, барча турдаги замонавий қуролли можароларда мавжуд бўлган вақт муаммоси, кескинлик ва тезкорлик, вазиятни бирдан кескин ўзгариши, жанговар машиналарни душманнинг зарбасига нишон бўлиб қолмаслик мақсадида у ёки бу ўт очиш позицияларида саноқли дақиқаларгина бўлиш имконияти, душманни турли йўналишдан тўсатдан ҳужум қилиши эҳтимолининг мавжудлиги ва ҳарбий хизматчиларга замонавий можаролардаги нотурғун ахлоқий-руҳий ҳолати юқорида санаб ўтилган техник хизмат кўрсатиш вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш имконини бермайди.

Агарда вақт муаммоси ҳам қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни юриш захираларини ҳисобга олиб юриш муаммоси ҳал этилган тақдирда ҳам, у ёки бу қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларда ТХК ишларини олиб бориш жараёни давомида уларни бир қанча вақт давомида уларга юклатилган жанговар вазифаларни бажаришдан четлатишга тўғри келади, бунинг натижасида уларга юклатилган жанговар вазафаларни бажаришни вақтинча бошқа жанговар машиналарга бириктириб туриш керак бўлади. Шулар сабабли замонавий

қуrolли можароларда ҳар доим ҳам қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларга ўз вақтида ва сифатли техник кўрсатиш ишларини ўтказиш иложи бўлмайди.

Қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эксплуатация қилишни асосий тадбирларидан бири бўлган сақлашни ҳам замонавий қуrolли можароларда бажаришни иложи бўлмайди. Аниқ сабабларга кўра кўриниб турибдики ҳар қандай мансабдор шахс ҳам қуrolли можаролар кескин тус олиб турган бир вақтда ҳамда олиб борилаётган қуrolли можароларни барча ҳудудларида барча раҳбарий ҳужжатлар талабларига жавоб бера оладиган қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни сақлаш учун доимий ёки вақтинчалик жанговар машиналари паркларини барпо этишлари ва ҳар куни белгиланган вақтларда қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни жанговар машиналарни сақлашга қўйишни ҳеч ҳам имкони бўлмайди.

Транспортировка қилиш, ташишга тайёрлаш, белгиланган жойга турли транспортлар билан олиб бориш, уларнинг созлиги ва ишга яроқлигини таъминлаш, тушириш ва вазифаси бўйича кейинчалик фойдаланишдан иборат.

Машиналарни узоқ муддатларда транспортировка қилиш ҳолатларида, уларни жанговар шайлигини сақлаш ва таъминлаш мақсадида уларга хизмат кўрсатиш ишлари, керак бўлса таъмирлаш ишлари ўтказилиши мумкин.

**Хулоса,** юқоридагиларни барчасини ҳисобга олган ҳолда замонавий қуrolли можароларда қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эксплуатация қилишни ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, замонавий қуrolли можароларни олиб бориш жараёнида қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни эксплуатация қилиш тадбирларини ҳар доим ҳам ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажаришни имкони бўлмайди. Бу эса замонавий қуrolли можароларда иштирок этаётган барча русумдаги қуrol-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни белгиланган меъёрий вақтлардан олдин ишдан чиқишига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Танк Т-72А. Техническое описание и инструкция по эксплуатации. М1986 г.
4. Объект 219Р. Руководство по войсковому ремонту ч-1. замена и ремонт агрегатов и узлов кн-2. М-1984г.
5. Техническое обслуживание автомобильной техники и организация хранения. М-1989 г.
6. Особенности эксплуатации и восстановления бронетанковой техники в сложных условиях. М-1985 г.
7. Техническое описание инструкция эксплуатации БТВТ. М-1989 г.